O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №




Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 11 май, шанба

Сотувда эркин нархда

№ 101 (2929)


# ФИКРЛАР МУШТАРАКЛИГИ — АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

***10 май куни Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Герхард Шрёдер ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.***



Юксак мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан кейин бошланган ушбу мулоқот чоғида Ўзбекистон-Германия муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, иқтисодий ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлик ҳамда Афғонистонни тиклаш ва тинч ҳаётга қайтаришга ёрдамлашишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ислом Каримов Германияни жаҳон иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи етакчи мамлакатлардан бири деб билишини, халқаро миқёсда тузилган аксилтеррор коалициясида унинг ўрни ва аҳамияти катталигини таъкидлар экан, Ўзбекистон бу давлат билан муносабатларини юксак даражада қадрлашини қайд этди.

Германия Ўзбекистоннинг Ғарбий Европадаги энг йирик иқтисодий ҳамкорларидан саналади. Маълумотларга кўра, ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 283,3 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Германия Ўзбекистонда экспортни молиялаш йўналиши бўйича элликдан зиёд лойиҳада иштирок этяпти. Бу лойиҳаларнинг умумий қиймати қарийб 1 миллиард АҚШ долларига тенг. Бундан ташқари, мамлакатимизда элликдан зиёд Германия фирма ва компанияларининг ваколатхоналари, юз элликка яқин қўшма корхона муваффақият билан фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон ва Германия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари чоғида ушбу кўрсаткичлар икки мамлакатнинг салоҳияти даражасида эмаслиги таъкидланди. Ҳозирги вазиятда савдо, молия, сармоя жалб қилиш, техника ва технологиялар соҳаларини иқтисодий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари этиб белгилаш зарурлиги қайд этилди. Ўзбекистон томони энергетика, саноат ва транспорт соҳаларида алоқаларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатларда ГФРнинг федерал ерлари ва Ўзбекистон вилоятлари ўртасидаги алоқалар ҳам муҳим ўрин тутади. Шу кунгача Вестфалия, Саксония каби федерал ерлардан турли даражадаги кўплаб делегациялар Ўзбекистонга келиб кетди. Ҳудудий-маъмурий бирликлар фақат иқтисодий ҳамкорлик билан чекланмайди. Масалан, Берлин билан Тошкент биродарлашган шаҳарлар ҳисобланади. Ўзбекистонликлар Штутгарт, Дрезден шаҳарлари жамоатчилиги билан ҳам қалин муносабат ўрнатган.

Германия нафақат иқтисодий салоҳияти, балки сиёсий нуфузи ҳам юқори бўлган мамлакатдир. Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масаласига бағишлаб ўтган йилнинг ноябрида чақирилган халқаро конференция Боннда ўтказилгани бунинг бир исботидир. Бонн конференцияси Афғонистонни тинч ҳаётга қайтаришдаги биринчи салмоқли қадам сифатида тарихга кирди.

Афғонистондаги воқеаларга муносабат муштараклиги Ўзбекистон билан Германиянинг сиёсий алоқалари янада кенгайишига олиб келди. Президент Ислом Каримов ҳамда канцлер Герхард Шрёдернинг январь ойида бўлган телефон сўзлашувидан кейин, Ўзбекистон инсонпарварлик операцияларини амалга оширишига ёрдамлашиш учун Германияга Термиз аэродромидан фойдаланишга рухсат берди. Февраль ойида бу борада ҳукуматлараро ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистоннинг ёрдамисиз Германия инсонпарварлик операцияларини ҳозиргидек кенг кўламда бажара олмаган, аксилтеррор операциясига ҳозиргидек катта ҳисса қўша олмаган бўлур эди. Музокаралар якунида бўлган матбуот анжуманида буни канцлер Г.Шрёдер очиқ эътироф этди ва Ўзбекистон билан Германиянинг кўплаб халқаро миқёсдаги сиёсий масалаларга муносабати муштараклигини, ана шу муштараклик халқларимиз манфаатлари йўлида амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришга ундашини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, жуда кўп масалаларда икки мамлакатнинг қарашлари ўхшаш ё яқин. Хусусан, БМТни ислоҳ қилиш масаласида томонларнинг фикри бир жойдан чиққан. Президент Ислом Каримов мазкур ташкилот Хавфсизлик кенгаши доимий аъзоларининг сафини кенгайтириш, жумладан, унга жаҳон сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи Япония ва Германияни қўшиш таклифини илгари суриб келади. Германия канцлери бундай ташаббус ва Термиз аэродромидан фойдаланишга рухсат бергани учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Матбуот анжуманида музокаралар давомида демократия, бозор ислоҳотлари, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда сармоя муҳитини янада яхшилаш масалалари ҳам муҳокама этилгани маълум қилинди. Г.Шрёдер ўзининг куни кеча амалга оширилган Афғонистон сафари якунларига тўхталиб, ушбу мамлакатда вазият барқарорлашаётгани, бунда аксилтеррор коалициясининг операциялари, Ўзбекистон ва Германия каби давлатларнинг саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Шу билан бирга, мамлакатларимиз уюшган жиноятчилик, жумладан, наркобизнесга қарши курашдаги ҳамкорликни янада кенгайтириши лозимлигини қайд этди.

Ислом Каримов, Германия Федерал канцлерининг мазкур ташрифи икки мамлакат муносабатлари ривожини ҳар томонлама рағбатлантиришга хизмат қиладиган муҳим воқеа бўлганини таъкидлади.

Шу билан Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Герхард Шрёдернинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кузатиб қолди.

**(ЎзА).**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ҚЎШМА КОРХОНА БИЛАН ТАНИШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Герхард Шрёдер 10 май куни мамлакатимиз Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Тошкентдаги «Хобас-ТАПО» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасини бориб кўрди.

Халқ хўжалиги учун жуда зарур нометалл қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхона 2000 йили ишга туширилган. Энг юксак технологиялар асосида ишлайдиган бундай завод МДҲда ягона. Шу боис унда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли маҳсулотларга жаҳон бозорида талаб жуда катта. Бу эса унинг экспорт имкониятларини сўзсиз оширади. Яна бир афзаллиги — маҳсулот учун ишлатиладиган хомашёнинг асосий қисми мамлакатимиздан олинади.

Германия Федерал канцлери корхонада ишчилар учун яратилган меҳнат шароити, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари билан танишди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва экспорт имкониятларига юқори баҳо берди. Бундай қўшма лойиҳаларни кўпайтириш икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

**(ЎзА).**

*Шарҳловчи нигоҳи*

# ОГОҲ БЎЛСАНГ, ...ОЛАМ СЕНИКИ!

Халқимизнинг эзгу фазилатлари ҳақида кўп гапирамиз, ёзамиз. Албатта, бағрикенглик, аҳиллик, ўзаро бир-бирига ёрдам бериш каби хислатларни тилга олганимизда кўнглимизда ғурур туйғулари жўш уради, бу дунёда тинч-тотув ҳаёт кечириш, бунёдкорлик миллатимизга хос азалий одат эканлиги ўзимизга бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Шунингдек, «Борига барака» деган ҳикматга амал қилиб яшаш, қаноатли бўлиш, бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукр қилиш ҳам ўзбекка ота-боболан мерос. Фақат бу шукроналик лоқайдликка, боқимандаликка ўтиб кетмасин, деган хавотир баъзан кўнгилнинг туб-тубида нидо қилгандай бўлади. Кўпдан буён кўришмаган биродарингиздан ҳол-аҳвол сўрасангиз: «Шукур, тинч юрибмиз-ку» деб ўз кайфиятини билдириши мумкин. Лекин шу тинч ҳаётнинг ўзи бўляптими, уни янада мазмунли қилиш учун ҳар бир фуқародан нима талаб қилинади — баъзан бу ҳақда ўйлаб ўтирмаймиз. Бордию шу мавзуда сўз очсангиз, «Қўяверинг, биз учун ўйлайдиган сиёсатчилар бор» ёки «Биз кичкина одам бўлсак...» деб гапни калта қилишади.

Йўқ, дегим келади шундай онларда, биз энди кичкина одам эмасмиз. Ўзбекистон билан, керак бўлса, дунёнинг манаман деган қудратли давлатлари тенгма-тенг гаплашмоқда. Модомики шундай экан, дунёда рўй бераётган аҳволдан хабардор бўлмасак, жаҳоний масалаларни кўнглимиздан ўтказиб фикр юритмасак, замондан орқада қоламиз. Бехабарлик эса ғафлат демакдир.

Тўғри, ҳозир ҳам халқимиз ичида Ўзбекистон юритаётган сиёсатни юрак-юрагидан қабул қиладиган, бу ҳақда маҳалла-кўйда юртдошларига уқтираётган зукко одамларимиз бор. Яқинда шу хилдаги оқсоқолнинг гурунгига гувоҳ бўлдим. У киши ҳаммани оғзига қаратиб завқ билан сўзларди: «Оғайнилар, ўз таналарингга ўйлаб кўринглар. Бутун ер юзининг бошини оғритиб турган муаммога Ўзбекистон қўшилиб қолди-ку. Энди нима бўларкин, деб кутиб турганлар қанча. Очиғи, мен ҳам андак хавотирда эдим. 5 октябрда Америка мудофаа вазири келганда бизнинг Президентимиз шартта ўз муносабатини очиқ-ойдин айтди. Ўшанда бу одамнинг қаватида ҳеч ким йўқ эди-ку. Мана энди кейинчалик ботирлар кўпайиб қолди. Демоқчиманки, Ислом Каримов энг қалтис вазиятдан донолик билан чиқа билди. Шундан кейин Америка бизга қўлини чўзди. Мен ўша лаҳзада Юртбошимизнинг фикрини уққандай бўлдим: у инсоннинг хаёлида фақат ўз халқининг омонлиги бўлган». Ҳа, шундай мустақил фикрлайдиган ватанпарварлар қанча кўп бўлса, шунча кам. Лекин ҳамон ўз кўчасидан нарини кўролмаётган фуқароларимиз оз эмас.

Замон эса ён-атрофга ҳушёр назар ташлашни талаб қиляпти. Фақат бугун эмас, эрта-индин ҳаётимиз қандай кечади? — шу ҳақда дўппини ерга қўйиб мулоҳаза юритайлик. Халқимизда «Ҳўкизнинг шохига урсанг, туёғи зирқирайди» деган мақол бор. Нега шундай? Чунки ҳўкизнинг шохи ҳам, туёғи ҳам ўзаро алоқада бўлган яхлит организм. Бугун Ер шари ҳам ана шундай ягона вужуддир. Энди Афғонистонда ўт ёнса, Американи тутун қоплайди. Шуни юракдан ҳис этган одам асло адашмайди. Лекин шундай хулосага келиш учун, кўзларнинг очилиши учун она замин бағри тилка-тилка бўлди-ку! Мана, Франциядаги Президент сайлови билан боғлиқ машмашалар бутун Европани, бутун Ер юзини ҳушёр торттирмадими? Биринчи овоз беришда фашистик ғоялар тарғиботчиси иккинчи ўринга чиқиб олганига нима сабаб бўлди? Назаримда, аҳолининг анча қисми ғафлатда қолгани: борйўғи 60 фоиз сайловчи овоз беришда қатнашганди. Такрорий овоз беришда лоқайд бўлганлар уйғонди. Хайрият, Франция халқи билан бутун дунё енгил нафас олди.

Аслида сайлов ҳар бир мамлакатнинг ички иши. Лекин шундай масала ҳам жаҳон афкор оммасини ўйлантираётган экан, «терроризм машинаси»га қарши курашиш, инсоният учун энг бебаҳо неъмат — Тинчликни асраш ҳақида сўз кетганда бефарқ туриб бўладими? 9 Май куни Президентимиз Хотира майдонида Ўзбекистон зиёлилари билан учрашганларида (бундай мулоқот, мана бир неча йилдирки, анъанавий тус олди) ижодкорларнинг муҳим масалага муносабати билан қизиқдилар. Ўша оқшом ана шу кўрсатувни бутун вужуди билан қизиқиб кўраётган талаба қизим: «Дада, сиздан сўраганларида нима деб жавоб қилардингиз?» деб қолди. Худди ўша ҳолат бўлгандай ҳаяжонга тушдим. Ростдан ҳам, мен нима деган бўлардим? Эҳтимол, бу савол жуда кўплаб зиёлиларнинг кўнглидан ўтган бўлса ажаб эмас. Очиғи, ўз халқининг Йўлбошчиси олдида фикрини жамлаб гапириш унча осон бўлмаса керак (Шуларни ўйлаганда бутун масъулиятни елкасида тутган Президентга қанчалик осон эмаслиги хаёлимга келди). Бордию мен ҳам фикр билдириш имконига эга бўлганимда айтардимки, энди Ер юзидаги кучларни минтақавий ва номинтақавийга бўлиш ўринли эмас, деган бўлардим. Инсоният учун шунча сабоқ етарли бўлиши керак. Аввало ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилаётган кучнинг асл мақсади, манфаати ҳисобга олинса тўғри бўларди. Албатта, бу билан янги гап айтган ҳисобланмасдим. Ҳар ҳолда шу юртнинг бир фуқароси сифатида ўз фикримни англатишга жазм этардим.

Ўша суҳбатда Президентимиз яна бир бор халқимизни огоҳликка чорладилар. Ҳа, қуёш чарақлаган осмонимиз мусаффо бўлишини истасак, Ўзбекистонимиз дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишини хоҳласак, тонгни ўз хонадонимизда тинч-омон қаршилашни истасак, огоҳ бўлишимиз шарт. Ҳушёр нигоҳ мустақил юртимизни янги марраларга элтиши шубҳасиз.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

## Ўзбекистон — АҚШ:

# МУСТАҲКАМ КЎПРИК



**— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга давлат сафари мустақил Ватанимиз янги тарихи саҳифаларида зарҳал ҳарфлар билан муҳрланиб қоладиган муҳим воқеалардан биридир.**

**Давлатимиз раҳбарининг АҚШга ташрифи пайтида унга ҳамроҳлик қилиш бахтига муяссар бўлганлардан бири сифатида шахсан тасдиқлаб, қалб ишончи билан айтаманки, бу сафар икки давлат ўртасида шаклланиб, тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлигимизнигина эмас, балки шу билан бирга, севимли, жонажон Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътиборини ҳам юксак босқичга кўтарди...**

***Президентимизнинг шу йилнинг 11-14 март кунларида АҚШга қилган тарихий сафари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик С.С.ҒУЛОМОВ билан суҳбатимиз вазирнинг ана шундай сўзлари билан бошланди.***

— Ушбу сафар чоғида ҳар икки Президент ўртасида, — деди вазир фикрини давом эттириб, — кенг миқёсдаги долзарб сиёсий масалалар муҳокама қилинди. Музокаралар пайтида АҚШ Президенти Жорж Буш ва Американинг бошқа давлат ҳамда сиёсат арбоблари Президент Ислом Каримовнинг фикр ва қарашларини жуда катта диққат-эътибор билан тингладилар ҳамда Юртбошимизга ўзларининг чуқур иззат-икромларини изҳор этишди.

Президентимиз билан учрашув пайтида жаноб Жорж Бушнинг: «Ҳамма билиб қўйсин, биз Ўзбекистон билан энди стратегик шерикмиз!» деб билдирган самимий ва жўшқин қалб эътирофини бутун дунё эшитди ва бу эътироф Ўзбекистонимизнинг мавқеини бирдан яна юксакликларга кўтариб юборди. Шуни айтиш керакки, АҚШ Президентининг бу сўзлари фақат ғоя, муддао бўлиб қолмай, шу сафар кунларида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида имзоланган Ўзаро стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги Декларацияда ва бошқа шартномаларнинг саҳифаларида расман муҳрланди. Бу Декларация, ўзининг улкан моҳиятига кўра, икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкам кўпригидир.

Албатта, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган бу ҳамкорлик жаҳондаги барча давлатлар ва сиёсий доираларда бир хилда олқишлар билан кутиб олинди, деб айтиб бўлмас. Балки бу ҳамкорлик айрим давлатларнинг ўзига хос «сиёсий манфаатлари»га унчалик мос келмас. Лекин Ўзбекистон ҳам бугун мустақил давлат ва пировардида, унинг ҳам дунёда ўз сиёсий, иқтисодий ва бошқа йўналишдаги манфаатлари бор. Ватанимиз ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда халқаро ҳамжамият билан бевосита алоқа ва ҳамкорлик ўрнатишга тўла ҳақлидир. АҚШ билан ўрнатилган стратегик ҳамкорлик эса юртимизда қонун устуворлигига асосланган демократик давлат ва жамиятни барпо этишда, бозор иқтисодиёти асосларида янада барқ уриб ривожланишимизда ва хавфсизлигимизни мустаҳкамлашда, шак-шубҳасиз, ўз самараларини беради. Бу ҳамкорликнинг неъматларини биз ҳозирги куннинг ўзидаёқ иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ривожланишларимизда яққол кўриб турибмиз.

**— Саидаҳрор Саидаҳмедович, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик фақат Ўзбекистон учунгина фойдали бўлиб қолмай, балки ўзаро манфаатдорлик ва ўзаро истиқбол режаларига асосланган ҳамкорлик муносабатларидир. Шундай экан, бу алоқалардан АҚШ томони ҳам бевосита катта манфаатдор, албатта...**

— Бу шак-шубҳасиз. Президентимизнинг АҚШга давлат ташрифи чоғида бу ташрифга жуда катта эътибор қаратилганлигининг асосларидаёқ ана шу ўзаро манфаатдорлик сиёсати турганлигини кўриш мумкин.

Жорж Буш Ўзбекистонни АҚШга стратегик шерик бўлиб қолишга даъват этар экан, бу мустаҳкам ҳаётий илдизларга бориб тақалишини дунёда яхши билишади. Маълумки, АҚШ халқаро терроризм дастидан оғир мусибатларга дуч келди ва шундан кейин халқаро террорчиликка қарши муросасиз кураш эълон қилар экан, бошқа давлатларнинг ҳам ҳамдастлигига умид боғлади. Ўзбекистон энг биринчилардан бўлиб халқаро террорчиликка қарши кураш сафига уюшган давлатлар қаторига кирди. Бу курашга Ватанимиз ўз имкониятларидан келиб чиқиб, муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Табиийки, Ўзбекистоннинг бундай қадами АҚШ раҳбарияти, расмий ва сиёсий доираларининг, умуман Америка халқининг чуқур миннатдорчилигига сабаб бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## ЮРТИМИЗДА:




### Европа киноси кунлари бошланди

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги санъат саройида Европа киноси кунлари бошланди. «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси кўмагида ўтказилаётган ушбу ўзига хос санъат байрами кунларида Франция, Германия, Бельгия, Италия, Чехия, Швейцария, Туркия, Буюк Британия киносининг энг яхши асарлари намойиш этилади.

Европа фильмлари намойиши инглиз кинематографларининг «Бриджет Жонснинг кундалиги» фильми билан бошланди. У машҳур инглиз ёзувчиси Ҳелен Филдинг хонимнинг ана шу номдаги романи асосида суратга олинган.

### Тинчлик рамзи

Бухорода «Буюк ипак йўли — тинчлик рамзи» шиори остида «Ипак ва зираворлар» халқаро сайёҳлик фестивали ўтказилди. Унда нафақат диёримиздаги, балки қўшни Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркманистондан келган ҳунармандлар ҳам иштирок этишди. «Бухоро юлдузлари» ва «Лаъли» жамолари намойиш этган «мўъжизалар карвони» тадбир иштирокчиларига манзур бўлган бўлса, Нодир девонбеги мадрасасида ўтган «Ўзбек ипаги ва жаҳон модаси» шоу томошасида Самарқанд ва Бухоро чеварларининг ишлари юксак баҳо олди.

### Етмиш тўрт нав синовда

Яккабоғ туманидаги Жуман Михлиев номидаги ширкат хўжалигининг тажриба майдонига етмиш тўрт навдаги ғалла экилган. Бундан мақсад, мазкур минтақанинг иқлим шароитига мос равишда буғдой нави танлаш ва шу тариқа ҳосилдорликни оширишдир. Яқинда бу ерда республика ғаллакорларининг минтақавий анжумани бўлиб, тажриба ўрганилди.

### Савобнинг бутуни яхши

Туман марказида қариялар учун махсус дўкон очилгани, айниқса, 20 нафар ёлғиз карияга ушбу дўкондан озиқ-овқат маҳсулотларининг бепул берилиши янгиқўрғонлик нуронийларни қувонтирди.

Фақат бугина эмас, Янгиқўрғон туман «Матлуботсавдо» ишлаб чиқариш очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳар бир дўконда нуронийлар учун маълум чегирмалар асосида савдо қилувчи имтиёзли харид бурчаклари ҳам ташкил қилган.

### Уч президент учрашишади

Бугун Мисрнинг Шарм ал-Шайх оромгоҳида ушбу мамлакат президенти Ҳусни Муборак, Саудия Арабистони валиаҳд шаҳзодаси Абдулла ва Сурия президенти Башар ал- Ассадлар иштирокида Яқин Шарқ можароларини ҳал этиш бўйича музокаралар бошланади. Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири Сауд ал-Файсалнинг маълумотига қараганда, президентлар Абдулла томонидан таклиф қилинган бўлиб, улар шу йилнинг март ойида Араб давлатлари лигасининг йиғилиши қатнашчилари томонидан қабул қилинган тинчлик режасини муҳокама қилишади.

### Мустақиллик арафасида

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Шарқий Тимор янги давлатининг бошқарувчиларига ҳукуматни шахсан топширади. Жорий йилнинг 19 май куни кечқурун Шарқий Тимор парламентининг раисига ҳукумат расмий маросимда топширилади. Кундузи эса мамлакатнинг илк ҳукумати қасамёд келтиради ва қарийб 80 та давлатдан ташриф буюрган меҳмонлар иштирок этадиган тантанали йиғилишда Шарқий Тимор мустақил давлат, деб эълон қилинади.

## ХОРИЖДА:

### Музтоғ иккига бўлинди

Антарктидадаги Росс музлиги шельфидан узунлиги 75,2, энига 7 километрдан иборат улкан музтоғ бўлинган. Ушбу улкан муз бўлагини сунъий йўлдош 5 май куни суратга олган. Икки ҳафта аввал шельфдан ажралган музтоғ 1976 йилдан буён Антарктидадан бўлинган 18-улкан музлик бўлагилиги туфайли «С- 18» деган ном олди.

**«Халқ сўзи», «ЎзА», «Туркистон-пресс».**

